Ушбу сонда:
2 Ташаббус сўнмасин. ХЎЖАЛИК СТИПЕНДИЯСИ
3 ТV-ДАСТУРИ
4 ШАХМАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 март, шанба №34 (866)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида рангли металл чиқиндилари, темир-терсак ва ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган буюмларнинг талон-тарож қилинишига чек қўйишга доир чора-тадбирлар кўришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари В.Отаев бошқарган мазкур йиғилишда Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, божхона ва бошқа тегишли идора ва муассасалар вакиллари сўзга чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимиз ҳудудидан қора ва рангли металларни чет мамлакатларга ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳоллари кузатилаётгани таъкидланди. Электр таъминотидан тортиб оддий телефон алоқа хизматигача бўлган соҳаларда рангли металларнинг талон-тарож қилиниши натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига каттагина зарар етказаётганига эътибор қаратилди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзА)

ПРЕЗИДЕНТ ЭЛЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 март куни Оқсарой қароргоҳида Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоетцни қабул қилиб, унга «Дўстлик» орденини топширди.

Иоланда хоним Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ривожига ҳамда халқларимиз ва ҳукуматларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Президент Ислом Каримов Фармонига биноан мамлакатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланган эди. Орденни топширар экан, мамлакатимиз раҳбари элчининг интилувчанлиги ва давлатларимизни яқинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлашини айтди ва келгусидаги фаолиятида унга муваффақият тилади.

Шу куни Президент Ислом Каримов Украина, Покистон, Канада ва Мексиканинг мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаган фавқулодда ва мухтор элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Украина элчиси Анатолий Касьяненко билан суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари уни ушбу шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланган билан қутлаб, Ўзбекистон-Украина муносабатлари мамлакатларимиз мустақилликка эришган илк даврлардан ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳолда ривожланиб келаётганини таъкидлади. Икки давлат ўртасидаги бундай муносабатлар келгусида янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

Президентимиз Покистон элчиси Фазал Ғафурни элчи этиб тайинланган билан табриклаб, икки мамлакат халқларининг тарихи ва маданияти бир-бирига яқинлигини қайд этди. Ўзаро алоқаларни ривожлантиришда бу яқинлик муҳим ўрин тутади. Ислом Каримов миссиясини бажаришда покистонлик дипломатга муваффақият тилади.

Канада элчиси Ирвин Родней билан мулоқот чоғида Президентимиз Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қизиқиши катта эканини таъкидлар экан, айни пайтда ўзаро алоқаларимиз истак ва имкониятларимиз даражасида эмаслигини қайд этди. У Канаданинг юксак ақлий, иқтисодий салоҳиятга эга давлат эканини айтиб, элчининг фаолияти икки мамлакат учун ҳам самарали бўлишига умид билдирди.

Мексика Қўшма Штатлари Ўзбекистондан анча узоқда жойлашган. Лекин Ўзбекистон ҳукумати ушбу мамлакатда кечаётган демократик жараёнлар, юксак суръатли иқтисодий ўсишни хайрихоҳлик билан кузатиб турибди. Мексика элчиси Энрике Буи Флорес билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистон аҳли бу мамлакатнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти билан яхши таниш эканлигини айтиб, келгусидаги фаолиятида дипломатга муваффақият тилади.

(ЎзА)



Бувайда ип-йигирув тикув ва ҳиссадорлик жамияти ҳар йили 2100 тонна толани қайта ишлайди. Ўтган йили жамоа 11 миллион пагонаметр бўз, 3 миллион метр дока ишлаб чиқарди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхона томонидан ҳамкорларга етказиб берилаётган маҳсулотлар ўз сифати билан ажралиб туради.

Суратда: *тўқувчи Одина Мўминова.*

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ

Сирдарё вилояти ҳокимлигида «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлди.

Вилоят ҳокими А.Исроилов бошқарган ушбу йиғилишда сўзга чиққанлар Дастурда кўзда тутилган барча ишларни Юртбошимиз белгилаб берган олти йўналиш бўйича изчил давом эттириш, бу борада вилоятдаги барча ташкилот ва идора, корхона ва муассаса, қолаверса, ҳар бир фуқаро фаоллигини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Зеро, соғлом авлод – мамлакат келажагидир.

Меҳнат ва рағбат

ИЛҒОР ТАЖРИБА ОММАЛАШТИРИЛДИ

Жиззах туманидаги 17-мактабда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташаббуси билан «Соғлом авлод йили»даги, халқ таълими тизими ҳамда олий ўқув юртларидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга бағишланган ўқув семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси вакиллари, Жиззах вилояти, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари мудирлари, касаба уюшмалари қўмиталари раислари, мактаб директорлари ва бошқалар иштирок этдилар. Семинар иштирокчилари ЎКУФК бош ҳуқуқ нозири Ҳ.Премқуловнинг «Ўзбекистон меҳнат қонунлари, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда жамоа шартномаларининг роли тўғрисида», Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнат техник бош назоратчиси Э.Ғойибназаровнинг «Халқ таълими бошқармасига қарашли бошланғич ташкилотларда ҳамда ўқув муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича амалга ошириш лозим бўлган ишлар» мавзуидаги маърузаларини тингладилар.

Бундай фойдали семинарлар республикамиз бўйлаб ўтказилиши режалаштирилган.

М.МИРЗАЕВА.

Абдували Мўминов номли ширкат хўжалиги Уйчи туманидаги машъал жамоалардан. Иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил бораётган хўжаликда барча соҳаларда белгиланган режалар мунтазам бажарилиб, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги тобора ортиб бораяпти. Бу айниқса, жамоа хўжалиги ўтган йили ширкат хўжалиги мақомини олгандан сўнг янада кўзга яққолроқ ташланди. Хўжалик юритишнинг янги шакли ишловчиларнинг ишга, мулкка муносабатини тубдан ўзгартирди. Даромад ва харажат ўз вақтида аниқ ҳисоб-китоб қилиб борилди. Оилавий пудрат такомиллашди. Чек тизими жорий этилди. Бир сўз билан айтганда, оз маблағ сарфлаб кўп даромад олишга эътибор қаратилди.

ХЎЖАЛИККА МУКОФОТ – «ТИКО»

Асосий тармоқ - пахтачиликдан кўзланган марра эгалланди. Йиллик пахта тайёрлаш шартномавий режаси тумандагина эмас, балки вилоятда биринчилар қаторида бажарилди. Давлатга 1396 тонна пахта сотилиб, режа 110 фоизга етказилди.

Хўжаликда инсон омилига эътибор катта. Қисқа вақтда 7 та бригада дала шийпони янгитдан қурилди. 10 та дала шийпони деҳқонларнинг ҳақиқий дам олиш масканига айлантирилди. Ширкат аъзолари унумли меҳнатдан сўнг мириқиб дам олишлари учун қулай шароитлар яратилди. Бригада томорқасида етиштирилган турли хил сабзавот маҳсулотларини дастурхонга тортиш одат тусига кирди. Уларнинг бу тажрибасини қўшни туманлардан келиб, ўрганиб кетишди.

Кадрларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Аъзамжон Маллабоев ана шулардан бири. У сардор бўлган жамоа ихтиёридаги 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 34 ўрнига 42 центнердан ҳосил олинди. Абдужаббор Дадамирзаев, Пўлатбой Қозоқов, Аҳмаджон Баҳодиров, Ҳалимбой Маҳкамовлар бошлиқ илғор бригадаларда ҳозир жорий йил ҳосилига пухта тараддуд кўрилмоқда.

Дончиликда эришилган натижалар ҳам чакки эмас. Ўтган йили давлатга 1296 тонна ўрнига 1359 тонна сара дон сотилди. Шартнома режаларини ошириб бажарган пудратчиларга 1 тоннадан 3 тоннагача буғдой берилди.

Хўжаликда сабзавотчилик бўйича тажриба мактаби яратилган. Иссиқхоналарда ҳар йили карам, помидор, бўлғор гармдориси, бақлажон каби кўчатлар етиштирилиб, эҳтиёждан ортиқчаси жамоа аъзоларига арзон нархларда сотилаётир.

Хўжалик ҳудудида 30 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Қишлоқнинг обод ва кўркам бўлишига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ибратли. Қисқа даврда 4,2 километр табиий газ, 1,6 километр тоза ичимлик суви учун қувурлар тортилди. Хонадонларни электрлаштириш, йўлларни асфальтлаш, хуллас, меҳнаткашларнинг эркин ишлаб, яхши яшашлари учун энг зарур шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Яқинда барча соҳада ибрат кўрсатиб, меҳнатда юқори кўрсаткичга эришгани учун мазкур жамоа вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан «Тико» автомашинаси билан тақдирланди. Бунга жавобан хўжалик меҳнатчилари Соғлом авлод йилида пахта, дон, пилла, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари салмоғини янада кўпайтиришга бел боғлашган. Айни кунларда улар ариқ-зовурларни тозалаш, минерал ва маҳаллий ўғит жамғариш, компост тайёрлаш, буғдойзорларни ўғитлаш, техника ва механизмларни мавсумга созлаш, иссиқхоналарда етарли кўчат тайёрлаш каби юмушларни бир-бирига боғлаб олиб боришаётир.

Муҳаммаджон ҚОДИРОВ.

Сабоқ

Сохта тадбиркорлар ташмачи сичқонга ўхшайди. Қўлига нима тушса четга тортади. Шу кунларда «бензинфуруш»ларнинг бозори чаққон, пайт пойлаб бекитикчи йўллар билан Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонга олиб ўтиб, мўмайгина даромад эгаси бўлиш пайида улар. Яхшиям, шаҳар бедарвоза эмас. Республика солиқчилари ўтган йили 1238 марта шундай ташмачиларнинг йўлига ғов қўйишга муваффақ бўлдилар ва улар тегишли жазоларини олдилар. Натижада неча ўнлаб тонна ёқилғи асраб қолинди.

ТАШМАЧИЛАР – НАФСИ БУЗУҚ ТИЖОРАТЧИЛАР

Лекин, афсуски, берилган жазолар айрим нафси бузуқ тижоратчиларга кор қилмаётган кўринади. Уларнинг айримлари ҳамон ҳуфя йўллар билан ўзимиз учун зарур бўлган ёнилғини четга ташишда давом этмоқдалар. Шундай ноинсофларнинг бир гуруҳи яқинда Чиноз туманида тўхтатилди.

Туман давлат солиқ инспекциясининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилиш бўлими ҳамда миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини сақлаш, тарқатиш ва савдо қилишнинг аҳволини ўрганиш давомида тун қоронғусида «Йўлтушган» жамоа хўжалигидан Сирдарё вилояти томон кетаётган ЗИЛ-738-А русумли, давлат белгиси 12 АВ 986 бўлган шубҳали машина тўхтатилди. Унинг бортлари баланд эди. Кузовга нима ортилганлиги бир қарашда кўзга ташланмасди.

Машинага тўрт бурчакли иккита темир цистерна юкланган эди. Суриштирув пайтида цистерналарда 6021 литр бензин борлиги, уни «Йўлтушган» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Сирожиддин Мавлонов номаълум бир шахсдан сотиб олганлиги ва Охунбобоев номли жамоа хўжалиги «Ёшлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Х.Саидикромов бошқарувидаги машинада Қозоғистон Республикасига сотгани олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Тўпланган ҳужжатлар асосида бензинфурушлар устидан дарҳол жиноий иш қўзғатилди.

Эгри йўлнинг тикони бор, деганларича бор. Буни Тошкент шаҳри бўйлаб ўтказилган рейд-текширув ўтказиб, акциз маркасиз 935,6 минг сўмлик тамаки маҳсулотларини ва катта миқдордаги спиртли ичимликларни қўлга туширдилар.

Яккасарой туманида ўтказилган тадбир чоғида солиқчилар диққатини Аския кўчаси 34-уй олдида савдо қилаётган Фания Хамидуллина тортди. Шубҳа бежиз бўлиб чиқмади. Натижада 389,2 минг сўмлик акциз маркасиз «Бонд» ва «Омар шариф» русумли тамаки маҳсулотлари сотишдан тўхтатилди. Суриштирув давомида Ф.Хамидуллина тамаки маҳсулотларини қўшни Қозоғистондан яширин йўллар билан олиб келганлиги маълум бўлди. Маҳсулотлар шу кўчада яшовчи А.Абдусатторов хонадонида яширилган экан. Текширув давомида яна 139,8 минг сўмлик акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари топилди.

Шаҳар солиқчилари яна бир ноқонуний хатти-ҳаракатнинг пайини қирқдилар. Улар Ҳамза тумани «Янгиобод маркази» бозоридаги савдо контейнерларидан бирида сотувга қўйилган акциз маркасиз ва сифат сертификатисиз спиртли ичимликларни кўриб, дарҳол назорат тартибида текширув ўтказдилар.

Тез орада «Шерхон» хусусий фирмасига қарашли мазкур маҳсулотларнинг дараги чиқди. Хорижда ишлаб чиқарилган 14 турдаги 213 шиша акциз маркасиз ва 4 турдаги 871 шиша акциз маркали, лекин сифат сертификатисиз бу спиртли ичимликлар дарҳол савдодан олинди. Дарвоқе, улар орасида яна 103 шиша сифат сертификатисиз ўсимлик мойи ҳам бор эди. Хуллас, Жамшид Халиловнинг даҳага кирган иштаҳаси ўзига катта зарар келтирди, 1 миллион 421 минг 150 сўмлик маҳсулот йўлига ғов қўйилди. Ҳозир чет элларда тайёрланган спиртли ичимликлар Тошкентга қандай йўллар билан кириб келганлигини аниқлаш мақсадида хусусий фирма фаолияти ўрганилмоқда.

Афсуски, бундай ҳолатлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам содир этилмоқда. Ўтказилган тезкор ҳаракатлар давомида Янгийўл шаҳар автовокзали ҳудудидаги «Туркистон» қаҳвахонасида акциз маркасиз спиртли ичимликларни енг ичида пуллаб келаётган сотувчи Рахматжон Турсунбоев ҳам қўлга тушди. Солиқчилар шу куни қаҳвахонадан яна акциз маркасиз 15 шиша қўлбола «Ўзбекистон» ароғини топиб олдилар. Қаҳвахонага қарашли омборхона текширилганида қўлбола ароқ тайёрлаш учун ғамлаб қўйилган олти литр спирт, беҳисоб қопқоқлар ва вино этикеткалари, самагон ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мослама ва бошқа жиҳозлар далилий ашё сифатида ҳужжатлаштирилди.

Олмалиқ шаҳри солиқчилари ҳам текинтомоқ самагончини қўлга туширдилар. Ўша куни Охангарон туманидаги Бирлик қишлоғида истиқомат қилувчи Сарвинисо Шокирова, Олмалиқ шаҳар Малиновский кўчасида яшовчи Татьяна Лидан уй шароитида тайёрланган 15 литр самагонни 10,5 минг сўмга харид қилаётган эди. Харидор билан сотувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб тугаши билан солиқчилар назорат текшируви эълон қилдилар.

Текширув давомида сотишга тахт қилиб қўйилган 3 литр самагон, 50 литр ачитқи, бўш шишалар, улар учун қопқоқлар, самагон тайёрлашда ишлатиладиган қозон ва мантқасқонлар топилди. Бундай бўлишини кутмаган хонадон соҳиби Николай Сон тилини тишлаб қолди.

Тезкор маълумотлар Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси «Ишонч» телефонига ҳам тушиб турибди. Яқинда шундай маълумот асосида ўтказилган текширув давомида Қарши шаҳар Улуғбек Юлдузи кўчаси 91-уйда фаолият кўрсатаётган яширин қандолат цехи фош этилди. Цех соҳибаси Мухаррам Махмирзаева ҳеч қандай рухсатсиз ва ҳужжатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга киришган экан. Боз устига цех санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермас, табиийки, маҳсулотлар ҳам давлат стандартларига тўғри келмасди. Шунга қарамай Мухаррам опа юрак ютиб 117 килограмм уч хилдаги қандолатчилик маҳсулотларини «Шохбекат» бозорига сотувга чиқарибди.

Солиқчилар ўтказган текширув давомида яширин цехдан 326 килограмм шакар, 162 килограмм ун, 50 килограмм какао кукуни, 71 килограмм новвот қиёми, қандолат маҳсулотлари, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қолиплар, қўлбола станоклар, бошқа хил мосламалар далилий ашё сифатида олинди.

Қонун устуворлиги таъминланаётган ҳозирги пайтда кичик ҳуқуқбузарлик ҳам киши кўзига балодек бўлиб кўринмоқда. Айниқса, инсон саломатлигига путур етказиши мумкин бўлган шубҳали маҳсулотларни пуллаш орқали бойишни мақсад қилганларга шафқат йўқ. Кўлаверса, тўғри йўл қолиб, эгри йўлга кирган устомонлар косаси ҳеч қачон оқармаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳамма ишни қонун доирасида қилган маъқул. Чунки, қинғир ишнинг қийиғи барибир бир кун чиқади.

Жасур НОСИРОВ.

OLAMDA

ЖЕНЕВА. Бу ерда анъанавий халқаро автосалон очилди. У 70-марта ўтказилмоқда. Унда 35 мамлакатдан ташриф буюрган автомобил ишлаб чиқаришга ихтисослашган компания ва фирмалар вакиллари ўзининг янги маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Автосалон майдони 63 минг квадрат метрга тенг.

***

МАНИЛА. Филиппин жанубида сўлчи радикал исёнчилар ҳужуми оқибатида 10 нафар ҳарбий ҳалок бўлди. Маълумотларга кўра, 2 март куни кечаси «Янги халқ армияси» жангарилари ҳукумат армиясининг Балилихан шаҳрида жойлашган бўлинмасига ҳужум қилган.

Мазкур «армия» ўз сафида 8,5 минг жангчини бирлаштирган бўлиб, Филиппин ҳукуматига қарши курашаётган гуруҳлар орасида энг йириги ҳисобланади. У 30 йилдан буён шўро тузуми ўрнатиш учун курашади. Ўтган вақт мобайнида 40 мингдан зиёд одам «армия» жангарилари тажовузига учраб ҳалок бўлган.

***

ПЕКИН. Ўтган йили Хитой полициячилари 21 тоннадан зиёд наркотик моддани қўлга киритди, уни етиштириш ва сотиш билан шуғулланишда айбланган 57 минг кишини ҳибсга олди. Наркотиқ моддалар асосан Юннан вилояти ва Гуанси-Чжуан мухтор туманида қўлга киритилди.

ХХР жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Бай Цзинфунинг таъкидлашича, ҳозирги кунда мамлакатда 680 минг нафар банги рўйхатга олинган. Улардан 230 минги махсус шифохоналарда даволанмоқда.

***

ТОКИО. Япония молия вазирлиги маълумотига кўра, феврал ойи охирида мамлакат валюта захираси аввалги ойга нисбатан 13 миллион АҚШ долларга кўпайиб, 294,46 миллиард долларга етди. Япония илгаригидек мазкур кўрсаткич бўйича жаҳонда етакчилик қилмоқда.

Ўтган уч ой давомида Япония валюта захираси сезиларли даражада ўсди. 1999 йилнинг декабр ойи охирида мамлакат валюта захираси 288,1 миллиард долларни ташкил этган эди.

***

САН-ХОСЕ. Коста-Рика матбуоти хабарига кўра, 1999 йилда Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодиётига киритилган хорижий сармоя 97 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу аввалги йилдагидан 32 фоиз кўп. Шу билан сармоя жалб этиш борасида Лотин Америкаси Осиёдан ўзиб кетди.

Сўнгги йилларда Лотин Америкаси мамлакатлари ўз иқтисодиётини жадал ислоҳ қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган йили, масалан, Бразилия 31 миллиард, Аргентина 25 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя киритди.

***

БЕРЛИН. Германия ҳукумати табиий офатдан жабр чекаётган Мозамбик аҳолисига ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Жумладан, у ерга 10 та вертолёт юборилди. Яқин кунларда яна 10та ана шундай қутқарув машинаси жўнатилади.

Шунингдек, Германия ҳукумати Мозамбик аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 10 миллион марка ажратади.

(ЎзА)

NIMA GAP



«ШУҲРАТ» НИНГ ШУҲРАТИНИ ОШИРАЁТГАНЛАР

Марҳамат туманидаги кўп тармоқли «Шуҳрат» хусусий фермер хўжалиги нафақат тумандаги, балки вилоятдаги юксалиб бораётган хўжаликлардан бири ҳисобланади. Фермер хўжалиги аъзолари бу йил 110 гектар ерга буғдой экишган. Ҳар гектар ердан 80 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. 102 гектар ерга чигит экиш режалаштириб қўйилган. 7 гектар ердаги узумзор, 11 гектар ердаги мевазор ҳам меҳр билан парвариш қилинмоқда. Фермер хўжалиги ихтиёрида шунингдек, 70 бош қорамол, мингдан ортиқ парранда, 150 оила асалари бор. Жамоада меҳнат қилаётган 400 дан ортиқ ишчилар ўз меҳнатларидан мамнун. Чунки улар меҳнатига яраша манфаат кўришмоқда. Фермер хўжалиги яқинда Республика бизнес фонди билан ҳамкорликда бир кунда 25 тонна помидорни қайта ишлайдиган цех қурди.

Суратларда: 1. Фермер хўжалиги бошлиғи Ҳожимирза Нуриев, ишчи Орифжон Каримов билан. 2. Ишчи Феруза Абдуллаева. 3. Механизатор Ҳакимжон Тўйчиев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ташаббус сўнмасин

ХЎЖАЛИК СТИПЕНДИЯСИ

— Ҳа, мунча ҳомушсиз, дадаси. Худога шукр, оиламиз тинч. Хўжалигингизда йил яхши якунланди. Одамлар хурсанд.

Сурайё ая кафтини чой қуйилган пиёлага қопқоқ қилганича деразага тикилиб ўтирган Эргаш аканинг хаёлини бўлиб юборди.

— Тўғри айтасиз, бувиси, ҳаммаси яхшиликка яхшику-я, аммо ўғилларингизнинг бир гапи мени ўйлантириб қўйди.

— Ҳа, нима дейишди улар?

— Дада, ёшингиз 70 га яқинлашиб қолди. Ҳаммамиз ўзимизни тиклаб олдик. Яшашимиз ёмон эмас. Нафақага чиққанингизга ҳам 8 йилдан ошаяпти. Энди дам олинг. Қачонгача хўжалик иши деб югуриб юрасиз. Қолаверса, одамлар ҳам ўғиллари ота-онасини боқа олмаяпти, деб ўйлашмасин. Ўйлаб қарасам, уларнинг ҳам гапида жон борга ўхшайди. Раисликни топширмоқчиман. Эртага ҳисобот йиғилиши.

... Йиғилиш бошланиб, Эргаш ака Ниёзов хўжалик аъзоларига бир йил давомида бажарилган ишларнинг ҳисоботини бериш учун минбарга кўтарилди.

— Ўтган 1999 йилда 890 гектар майдонга чигит экиб, режадаги 25 ўрнига 33 центнердан, 434 гектар буғдойзордан 34 центнердан буғдой йиғиштириб олдик. Пилла тайёрлаш режаси 184 фоизга бажарилди.

Экин майдонларимиз пахтачиликда 316 та, ғаллачиликда 48 та, ем-хашак тайёрлашдаги 12 та ва қолганлари полиз, картошка, шоли етиштирувчи оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Оилавий пудратчиларнинг ҳаммаси шартномадаги ҳосилни ортиғи билан топширдилар.

Хўжаликнинг умумий даромади режадаги 101 миллион сўм ўрнига 160 миллион сўмга етказилди.

Йил давомида ишчиларга 200 тонна буғдой, 100 тонна картошка, 16 тонна шоли, 60 тонна ун, 86 тонна пахта ёғи, 20 тонна туз, 8 тонна гўшт каби кундалик рўзғор маҳсулотлари арзон нархда тарқатилди. Кетган харажатлардан ташқари соф даромад 20 миллион сўм бўлиб ишчилар иш ҳақининг 1 сўмига қўшимча 1 сўм 20 тийиндан даромад оладиган бўлишди.

Шу пайт зал ўтирганларнинг қарсагидан жаранглаб кетди. Эргаш ака уларнинг шодон чеҳраларига қарар экан, юраги жизиллади. Кетиш ҳақидаги қароримни қандай айтаман? Улар нима дейишаркин?, - хаёлидан ўтказди у.

Ҳисобот сўнггидаги раиснинг қарори ўтирганларнинг бошидан муздай сув сепиб юборгандек бўлди.

Йиғилиш яхши ўтди. Амалга оширилган ишларга ҳаққоний баҳо берилди, галдаги режалар белгиланди. Ҳамма гап айтилиб бўлингандай эди. Лекин одамлар жойларидан қўзғалмасдилар. Ўз-ўзидан гап раиснинг қарорига бориб тақалди.

Биринчи бўлиб оилавий пудратчи Абдулла Эргашев гапирди:

— Азизлар, - деди у. - Эсингиздами, Эргаш ака келгунларича хўжалигимиздаги аҳвол. Ҳар йили биттадан раҳбар алмашарди. Лекин қарздан бошимиз чиқмасди. Йил бўйи ишлаб, яна хўжаликдан қарз бўлиб чиқардик. Мана 10 йилдирки, ҳамма соҳада режаларимиз бажарилиб, чўнтагимиз пулга, уйимиз донга тўлиб турибди. Мен бу йил оилам билан 756000 сўм даромад қилдим. Яқинда бир гуруҳ кўнглимга яқин дўстларим пудратчилар билан «Товоқсой» сиҳатгоҳида текин дам олиб келдим. Хўжалик автобуси олиб бориб, олиб келиб қўйди. Раис бува ҳаммамизга 3000 сўмдан пул тарқатдилар, оилангиздагиларга совға олишингизга деб. Сизлар ҳам худди шундай дам олиб қайтдингиз. Қани, айтинглар, тумандаги қайси хўжаликда аҳвол шундай? Буларнинг ҳаммаси Сизнинг тадбиркорлигингиз туфайли, раис бува. Сиз ҳали қариб қолганингиз йўқ. Ўғилларингиз биздан сўрашсин, келиб.

Шундан кейин пудратчилардан Холбой Бўтаев, Эшонқул Ўташев, Деҳқонбой Эргашевлар сўзга чиқишиб, хўжалик тўла газ, сув, электр нури билан таъминлангани, раис бошчилигида хўжалик маъмурияти аъзолари тўй бўлаётган хонадонга бориб (хўжаликдан берилган озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари) 10.000 сўмдан мадад пули берилаётгани, беморлар холидан хабар олинаётгани, қариялар учун 2 та «Оталар чойхонаси» қурилгани, жамоа меҳнаткашларига хизмат қилаётган шифокор ва муаллимларга хўжалик ҳисобидан тушлик, йўл пули берилаётгани ҳақида гапиришди.

Хўжалик аъзоларининг қарори битта бўлди: Шундай тадбиркор раисга жавоб йўқ.

4 та катта қишлоқдан иборат хўжалик аъзоларининг ишончи, иззат-ҳурмати ўғилларнинг талабидан устун келди. Бутун умрини эл-юрт иши учун бахшида қилган, қаерда ишласа, ўша ернинг иқтисодий аҳволини яхшилашга эришаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш ака Ниёзов Оққўрғон туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

Эргаш ака яқинда яна бир ташаббус билан чиқди. Бунга асосан шу йил январ ойидан бошлаб турли олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда ўқиётган талабаларга 2000 сўмдан, аълочиларга эса 3000 сўмдан хўжалик ҳисобидан стипендия берилаётир. Шунингдек, мактабларнинг аълочи ўқувчилари ҳам хўжалик стипендиясидан четда қолишмаяпти.

— Бу 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан туғилган ташаббусдир, - дейди Эргаш ака. - Эришаётган ютуқларимизда хўжалик касаба уюшма қўмитаси билан тузиладиган меҳнат шартномасининг аҳамияти катта бўлаяпти. Йил бошида 5 йилга мўлжалланган ана шундай шартнома туздик. Унда шартларни сўзсиз бажариш қатъий қилиб қўйилган.

Муборак МИРКАМОЛОВА, «Ишонч» мухбири.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида янги «Стоматолог» хусусий поликлиникаси ишга тушди.

Янги даъво маскани шу ерлик хирург-стоматолог Саиднуруллo Юсуповнинг ташаббуси билан унинг маблағлари ҳисобидан қурилди. Бу ерда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган бешта стоматология кабинети жойлашган. Беморларга ўн нафар юқори малакали шифокор хизмат кўрсатмоқда. С.Юсупов янги поликлиникада яна бир нечта даволаш кабинетини очишни режалаштирмоқда.

Жамоа шартномаларининг кучи нимада?

МОДДИЙ РАҒБАТ

Ўтган йили Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятида асосий эътибор меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ҳамда соғломлаштиришга қаратилиб, бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, корхона ишчи-хизматчиларини йил якуни бўйича рағбатлантириш учун 3 миллион 888 минг сўм сарфланди. Турли байрамларда меҳнаткашларга 6 миллион сўмдан зиёд мукофот пули берилди. Яқинда мазкур корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган 1999 йил жамоа шартномасининг якунлари муҳокама этилганда юқорида далиллар тилга олиб ўтилди. Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳамида Абдусатторова билан мулоқотимиз мавзуси ҳам бултурги жамоа шартномасининг якуни ва бу йилги режалар ҳақида бўлди.

- Ҳозир натижалардан қониқиб, хотиржамликка бериладиган вақт эмас, - деди у. - Чунки биз касаба уюшма етакчилари кўплаб муаммолар ечимини излаб топишимиз зарур. Шу билан бирга бирмунча ишларни амалга оширдикки, бунинг натижасида корхонамиз ишчи-хизматчиларининг моддий аҳволи сезиларли даражада яхшиланди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йил давомида ишчи-хизматчиларга корхона ошхонасида имтиёзли равишда овқатланишлари ҳамда 8-Март, «Наврўз» ва шу каби байрам тантаналари учун 1,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Уларнинг фарзандлари ёзги таътил кунларида Бўстонлиқдаги «Ғунча» болалар оромгоҳида дам олиб қайтдилар. Корхонамизда махсус касаба уюшмаси уйи ишлаб турибди. У ерда аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, пойабзал тузатиш устахонаси, игнали даволаш, биллиард ва кутубхона меҳнаткашлар хизматида. Тарихимиз, қадриятларимиз ва Президентимиз асарларини янада чуқурроқ ўрганишда «Маънавият ва маърифат» бурчаги алоҳида рол ўйнаяпти. Бундан ташқари, биз ишчи-хизматчиларнинг меҳнатлари муҳофазасини яхшилаш учун фақат ўтган йилнинг ўзида 10 миллион сўмликка яқин маблағ сарфладик.

2000 йил - «Соғлом авлод йили» да амалга ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқдик ва кўпгина хайрли ишлар бошлаб юборилди. Масалан, бир неча йилдан бери ишламай турган болалар оромгоҳини «Соғломлаштириш мажмуи» га айлантириш юмушлари жадал олиб борилмоқда. Меҳнаткашларни уйжой билан таъминлаш мақсадида қурилиши тугалланмаган 32 хонали уйни битказиб, муҳтож ишчи-хизматчиларга тақсимлаш режалаштирилмоқда.

Корхонамизда кўп йил ишлаган ходимларга пенсияга чиқиш муносабати билан тўланадиган моддий рағбатлантириш миқдори оширилди. Ҳар хил маросимларда тўланадиган ёрдам пули ҳам кўпайтирилди. Бундан ташқари, корхонанинг айби билан ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимга касаллик варақасидан ташқари қўшимча ёрдам пули берилади.

Зеро, касаба уюшманинг асосий вазифаси ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, иш ҳақининг ўз вақтида берилишини назорат қилиш, оммавий-спорт соғломлаштириш ишларини ривожлантириш ва янги иш жойларини ташкил этишдан иборатдир.

Неъмат РАФИҚОВ.

Ижтимоий ҳимоя

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАНДИ

Китоб туманидаги Мейли Бобоев номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йили 10 нафарга яқин меҳнат фахрийлари, ногиронлар республикамиздаги сиҳатгоҳларда дам олиб, соғликларини тиклаб қайтишди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам уюштириш масаласи махсус комиссия тавсиясига асосан амалга оширилмоқда. Касаба уюшма қўмитаси ва хўжалик ҳисобидан 165 нафар кишига 345180 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган ўқув йилида эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларига 100 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Миришкорлар фарзандларининг ёзги таътил даврида оромгоҳларда дам олдириш учун 516801 сўм маблағ сарфланди.

Хўжаликда маданий тадбирларни ўтказиш ҳам намунали йўлга қўйилган, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси М.Ражабов. - Масалан, 25 нафар киши Самарқандга саёҳат қилиб, тарихий жойларни зиёрат қилиб қайтишди.

Х.ТЎРАЕВ.

ОЧИҚ "ОЛМОС" АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Очиқ "Олмос" акциядорлар жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2000 йилнинг 3 апрел куни соат 10-00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ

1. Умумий йиғилишнинг иш тартибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар жамиятининг 1999 йилги иш якунлари тўғрисида ҳисобот.
3. Акциядорлар жамиятининг 1999 йил учун даромад ҳисоботини ва йиллик балансини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссияси ҳамда акциядорлар жамиятининг аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш.
5. Дивидентлар миқдори ва уларнинг тўланиш тартибини тасдиқлаш.
6. Акциядорлар жамияти аудиторини тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 3 мартда ёпилади.

Кун тартиби материаллари билан ҳар куни соат 9-00 дан 18-00 гача Тошкент шаҳар Усмон Носир 1 тор кўчаси 18 уйда танишишингиз мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ОЧИҚ "ОЛМОС" АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ 1999 ЙИЛ БЎЙИЧА БАЛАНСИ

(сўм)

КЎРСАТГИЧЛАР НОМИ	САЛЬДО	
	АКТИВ	ПАССИВ
1. Асосий воситалар	12473000	
2. Номоддий активлар	200000	
3. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	2805000	
4. Ишлаб чиқариш заҳиралари	1105000	
5. Дебиторлар	20182000	
6. Ҳисоб рақами	4343000	
7. Аванс тўловлари	159000	
8. Устав капитал		17412000
9. Тақсимланмаган фойда		12129000
10.Бошқа ажратмалар		2003000
11.Мол етказиб берувчилар билан кредитор қарзлар		1659000
12.Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар		1907000
13.Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар		1494000
14.Бюджет бўйича қарзлар		639000
15.Бошқа кредиторлар		3824000
БАЛАНС:	**41267000**	**41267000**

Умумий ялпи даромад 96376000
Харажатлар ва мажбурий тўловлар 87227000
Соф фойда 9149000

Баланс молиявий кўрсаткичларини тўғрилигини "Ўзбексавдо-АУДИТ" (18-сонли лицензия) тасдиқлайди.

Балиқчилар ҳузурига йўл оларканмиз, бундан уч йил бурунги бир воқеани ёдга олдик. Ўша куни қишлоқни карнай-сурнай наволари қамраб олганди. Шу ерда яшовчи икки ёшнинг никоҳ тўйи хўжалик ҳисобидан ўтказиб берилди. Ҳатто, юмшоқ мебеллар, уй жиҳозлари ҳам топширилди.

ТАНАЗЗУЛГА ЮЗ ТУТГАН ТАРМОҚ

ёҳуд сирдарёлик балиқчилар муаммолари

Хўжалигимиздан, хонадонимиздан қутбарака кўтарилмасин, — дея фотиҳага қўл очишди.

Афсуски, кейинги икки йил балиқчилар учун изтиробли кечди. Айни чоғда улар ўша дамларни энтикиб эслашади. Бош-бошдоқлик хўжалик қаддини букди. Одамларнинг ишдан кўнгли совиди. Қўнимсизлик, ўз қадрдон жамоасини тарк этиш кучайди. Энг ачинарлиси, мовий кўллар мавзланиш ўрнига тулки-ю шақолга макон бўлиб қолди. Таҳририятимизга шикоят билан арз қилган сирдарёлик балиқчиларнинг аламли сўзларини эшитиб, қўрғондаги аҳволни ўргандик. Қарангки, кўлда балиқ анқонинг уруғига айланиб бормоқда. Вилоят аҳли эса барча имкониятлар бўла туриб, луқмаи ҳалолни четдан келтиришга мажбур. Одамлар парокандаликни бевосита раҳбарларнинг тез-тез алмашинувидан дейишмоқда.

— Аввалги йилларда 1100 тоннадан зиёд балиқ тайёрланарди, — дейди балиқчи Усмон Беркишев. — 1999 йилда иккита раҳбар келиб кетди. Оқибатда бор-йўғи 30 тонна балиқ сотилди. Қолоқликнинг бутун захматини биз чекаяпмиз. Ўтган йилнинг март ойидан буён бирор сўм маош олганимиз йўқ.

Балиқчиларни қўлга қалам ушлашга мажбур этган омиллар жуда кўп. Биз бу ерда бўлган чоғда мутасаддилардан ҳеч кимни учрата олмадик. Бундан ярим йил аввал раҳбарлик курсисига ўтирган Шакарбой Бойқулов ҳам вазифасидан қувилган экан. Янги раҳбар ҳам келди дейишди. Аммо у бетоб экан. Ўз ҳолимизча қўрғонни айланамиз. Дераза ва эшик ромлари кўчириб кетилган хароба болалар боғчасини кўздан кечирамиз. Неча минглаб сўм сарф-харажатлар эвазига қурилган бу бино ёш авлод тарбиясидек муҳим вазифани аллақачоноқ ўз зиммасидан соқит қилиб улгурган. Балиқчилар қўрғонида бундай бечораҳол бинолар сони анча. Шуларнинг бири мактаб учун ажратилган иморат. Балиқчи болалари бахтига муаллима Гулчеҳра Умарова ўз уйида илк сабоқни бериб келмоқда. Жонкуярлар бор бўлсин, ишқилиб.

— Қишда газ умуман бўлмайди. Электр энергияси ҳам тез-тез ўчиб туради, — дейди Мукаррам Жўраева. — Устигаустак қўрғонимизга автобус анчадан буён қатнамай қўйган. 15-20 чақиримлаб пиёда йўл босиб бозор-ўчар қиламиз.

— Э, нимасини айтасиз, — дея суҳбатга қўшилади аризачилардан яна бири Яхшигул Усмонова. — Кенжатойим уч кундирки ўт-аланга бўлиб ётибди. Ҳеч ёнади. Бу ерда на ҳамшира, на тиббиёт маскани бор. «Тез ёрдам» чақиришга ҳатто телефон ҳам йўқ.

Ҳар тайинланган янги бошлиқ ўз «команда»сини тузади. Асосий иш ўринлари четдан келганлар ҳисобига тўлдирилади. Балиқчилар шу қўрғонда истиқомат қилган бирор раҳбар номини тилга олишолмади. Бу йил ҳам минг гектар майдонга 300 минг дона балиқ чавоқлари ташланган. Улар ўз ҳолича ривожланмоқда. Хўжаликнинг миллион-миллион қарзи на ем олишга, на маош тўлашга имкон бермайди.

— Қолоқликка баъзи раҳбарлар сабабчи бўлишди, — дейди Ғ.Турсунқулов. — 1997 йилда режадагидан ҳам кўп балиқ тайёрланди. Аммо қайсидир амалдор тазйиқи билан ҳамма маҳсулот ночор хўжаликларга насияга тарқатиб юборилди. Икки қўлни бурунга тиқиб қолавердик. Шу-шу балиққа ҳам, маошга ҳам ёлчимаяпмиз. Бир йил бўлди, қўлимиз пул кўргани йўқ.

Дарҳақиқат, Сирдарё балиқчилик хўжалиги кишилар кўз ўнгида гирдобга чўкмоқда. Энг ачинарлиси, бу муаммоларни бартараф этиш, етти хазинанинг бирини сақлаб қолишга қодир киши ҳали топилганича йўқ. Яширишга не ҳожат. Аввалги раҳбарларнинг бири чорва мутахассиси, иккинчиси эса ўрта махсус маълумотли агроном бўлган экан. Нима бўлганда ҳам балиқчиларга қийин. Соҳани ривожлантириш сувга қармоқ ташлаб, балиқ тутиб олавериш дегани эмас-ку! Бу ҳол қачонгача давом этаркин?

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

TV дастури

6 - 12 март

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 6

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
*
8.40 Лирик тароналар.
9.10 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
9.30 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: "Мио болагинам, Мио". Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.30 "Тиббиёт янгиликлари".
12.40 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
13.00 "Оталар чойхонаси". Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10 "Балли, раислар!" Телемусобақа.
14.55 "Халқнинг кўнгли".
15.15 "Қувноқ стартлар!" Телемусобақа.
16.00 "Кўк қуш". Бадиий фильм.
17.40 "Америка теледафтари".
18.10 "Болаларга бахшида умр".
18.30 "Тафсилот".
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Иқтисод ва биз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз".
21.30 "Сиз соғинган оҳанглар". Мусиқий дастур.
21.50 "Ёзувчи ва замон". Ў.Ҳошимов.
22.25 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Шалаш оиласи". Телесериал премьераси. 7-серия (Миср Араб Республикаси)
23.15 "Маънавият" дастури.
23.45 "Ахборот".
00.15 "Қайнона". Бадиий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

2 **Профилактика муносабати билан душанба, 6 март "Ёшлар" телеканали соат 17.55да бошланади.**
17.55 "Кўрсатувлар дастури".
18.00 "Янги авлод": "Мусиқа олами", "Мульттомоша".
18.35 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Дунёга йўл".
19.50 "Соғлом авлод учун".
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.10 "Чархпалак" ("Ўзбектелефильм") 9-қисм.
21.00 "Бир пиёла чой устида".
21.20 "Мусиқий лаҳзалар".
21.25 "2000 йил — Соғлом авлод йили". "Қишлоқдаги тенгдошим".
21.50 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.00 "Давр". Ахборот дастури.
00.10 Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
1.05 "Шарқ эстрадаси".
1.20 "Тонг юлдузи".

3 17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.50 ТТВда сериал. "Қотиллик пайида". 1-серия.
19.35 "Табриклаймиз, қутлаймиз" (давоми)
21.10 Телегазета "Экспресс".
21.50 "Халқ саломатлиги йўлида".
22.10 "Эҳтиром ила".
22.50 ТТВда сериал. "Қора дур".
23.40 "Хайрли тун, шаҳрим!"

4TV РЖТ 7.30-9.00
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари" (инглиз тилида)
16.45 Мультчархпалак.
17.00 "Тотли оғу". Телесериал. 4-серия.
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дил изҳори".
19.00 "Биз ва давр".
19.45 "Ермак". Телесериал. 4-серия.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.40 "Дил изҳори".
22.15 "ТВ-4"да Немис тўлқини.
22.30 "Вести".
23.00 "Спорт -клуб".
23.10 Кинематограф. "Фанфан муҳаббат атри". Бадиий фильм.
00.30 "Ахборот".
00.55 "Тунингиз осуда бўлсин!"

СЕШАНБА, 7

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Ҳазрати аёл". Ҳужжатли фильм.
8.55 "Ёр ва диёр тароналари". Мусиқий дастур.
9.20 "Ўзбек спортининг нуфузи".
9.35 Болалар учун. "Қўғирчоқлар жонланганда".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: "Учувчининг парвози". Бадиий фильм.
11.30 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
12.05 "Аруз гулшани"
12.15 "Оламни асранг!"
12.30 "Барҳаёт сиймолар". Мусиқий дастур.
13.10 "Шалаш оиласи". Телесериал. 7-серия.
14.10 "Маънавият" дастури.
14.40 "Ўзлигинг намоён қил!" Экранда — Сирдарё вилояти.
15.15 "Ҳуқуқий жамият сари".
15.40 "Изтопар". Бадиий фильм.
17.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Қувноқ шаҳарча". Телеўйин.
